O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 29-mart ● Seshanba ● 40 (27.375) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

БАРЧА КУЧ ВА ИМКОНИЯТ — АМАЛИЙ ИШГА

2005 йил 26 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг II пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари, ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлардаги иштироки якунлари Ўзбекистон ХДПнинг 2005-2009 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тўғрисида партия Марказий Кенгаши раиси Аслиддин Рустамов маруза қилди. Шунингдек, пленумда партия ташкилотларининг «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг бажарилишидаги иштироки ҳамда қатор бошқа масалалар муҳокама этилди.

Маърузачи дастлаб партиямизнинг IV қурултойидан буён ўтган беш ойга яқин вақт давомида **мамлакатимиз ва партиямиз ҳаётида** содир бўлган **муҳим воқеаларга** эътиборни қаратди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда сиёсий партияларнинг фракциялари иш бошлагани мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, парламентаризм тарихида муҳим янгилик бўлгани таъкидланди.

Партия раҳбари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 28 январида янги парламент палаталари қўшма мажлисида қилган маърузаси ва Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан 7 февралда ўтказилган йиғилишдаги нутқида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ҳақида тўхталаркан, бу борада партия ташкилотлари зиммасида турган масъулиятли, долзарб ишлар хусусида аниқ таклифларни билдирди.

— Юртбошимиз **уй-жойкоммунал хўжалиги соҳасидаги муаммолар** тўғрисида ташвишланиб гапирди ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз таклифларини билдирди, — деди маърузачи. — Ҳозир мазкур соҳани ислоҳ қилишнинг кенг қўламли Дастури ишлаб чиқилмоқда. Партиямиз уй-жой-коммунал хўжалигидаги камчилик ва нуқсонларга тегишли давлат ва бошқарув органлари раҳбарлари диққатини тортиб келди. Бу соҳадаги ислоҳотлар жараёни бундан кейин ҳам партиямиз диққат марказида туради.

Ўтган даврда юз берган муҳим воқеалардан яна бири Қонунчилик палатасида ЎзЛиДеП, «Фидокорлар» МДП ва «Адолат» СДП фракцияларини бирлаштирувчи «Демократик блок» тимсолидаги **парламент кўпчилигининг** вужудга келиши бўлди.

Партиямиз ушбу воқеани мамлакатимизда демократик парламентчиликни қарор топиши ва ривожланишидаги қонуний ва зарурий босқич деб баҳолаб, ўз навбатида, Қонунчилик палатасидаги фаолиятини бундан кейин **муҳолифатдаги парламент озчилиги** сифатида амалга оширишини эълон қилди. Партиямизнинг бундай масъулиятли қарори унинг сайловлар якунига кўра, парламентда сон жиҳатидан иккинчи фракция мақомига эга бўлишидан келиб чиқади.

Ушбу икки омил парламентнинг қуйи палатасида турли сиёсий кучлар манфаатлари мутаносиблигини таъминлайдиган ўзаро мувозанат ва чекловларнинг самарали механизми қарор топишига ёрдам беради. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу ҳақда кўп марта, жумладан, палаталарнинг 28 январдаги қўшма мажлисида ҳам айтиб ўтган эди.

Маърузачи Ўзбекистон ХДПнинг ўтган **сайловлардаги иштироки якунларини таҳлил этаркан шундай деди:** Партиямиз сайловга тайёрланаётиб, ўтган йил ноябрида ўтказилган IV қурултойида ўзининг сиёсий позициясига аниқлик киритди ва унга асосланган Сайловолди Платформасини қабул қилди.

Бунга бизни бозор муносабатлари шароитида жамиятда табақаланиш жараёнларининг кучайиши, кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши, Ўзбекистон ХДП мамлакат аҳолиси барча табақа ва гуруҳлари манфаатларини ифода этувчи «халқ партияси» деган мавҳум тасаввурдан қутилишимиз ундади.

Мен бугун яна бир бор такрорлайман: Ўзбекистон Халқ демократик партияси меҳнат аҳли ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Партия мана шу жиддий хулоса ва ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, жаҳондаги ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, **ўзини мамлакатимиздаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти**, яъни **сўл йўналишдаги сиёсий партия,** деб эълон қилди.

Бу **иқтисодиётни бозор талаблари асосида қайта тиклашни** қўллаб-қувватлаб келаётган Ўзбекистон ХДПнинг, биринчидан, **ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини ошириш**, иккинчидан, меҳнат бозоридаги **иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги муносабатларда ишловчилар манфаатини ҳимоя қилиш,** учинчидан, **аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини ижтимоий ҳимоялашни давлат томонидан кафолатлашнинг** тарафдори эканлигидан мантиқан келиб чиқади.

ЎзХДП ҳаёти

Маърузачи **партиямиз учун катта синов бўлган 2004 йил сайловларида ХДПнинг иштироки якунларига** тўхталиб, IV қурултой қўрсатмаларига биноан қисқа муддат ичида сайлов билан боғлиқ тегишли ташкилий, ахборий, услубий, таркибий ва моддий-техник тадбирлар амалга оширилганлиги, сайлов округларида ташвиқот ишларини йўлга қўйиш учун плакатлар, варақалар, осма шиорлар ва бошқа кўргазмали воситаларни марказлашган тарзда тайёрлаб, жойларга юборилганини эслатди. Шундан қейин у сайлов натижаларини 1999 йил сайловлари ҳамда сайловда иштирок этган бошқа сиёсий кучлар эришган натижалар билан солиштирди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон ХДПдан 28 нафар депутат сайланди. Бу парламент қуйи палатасидаги жами депутатларнинг 23,3 фоизини ташкил этади. Олдинги сайловларда бу кўрсаткич 19,6 фоизга тенг эди. Депутатлар сони жиҳатидан партиямиз Қонунчилик палатасида иккинчи ўринга чиқди. Парламентда мустаҳкам мавқега эга бўлишга мўлжалланган тактик вазифа асосан уддаланди.

Минтақавий партия ташкилотларининг бунга қўшган ҳиссаси турлича. Қонунчилик палатасида Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидан 4 тадан, Андижон, Наманган, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидан — 3 тадан, Бухоро ва Фарғонадан — 2 тадан, Қорақалпоғистон, Навоий ва Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан биттадан депутатларимиз бор. Фақат Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан парламентда ЎзХДПнинг депутатлари йўқ. Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё партия ташкилотларининг кўрсаткичлари олдинги сайловдагига қараганда юқорироқ бўлди.

2-бет

Ўзбекистон Президентининг Қирғизистон Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири билан телефон орқали мулоқоти

Шу йил 28 мартда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири Қурманбек Бакиев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида сўнгги кунлар ва ҳафталарда Қирғизистонда рўй берган воқеалар ҳақида батафсил фикр алмашилди.

Аҳолининг оммавий норозилик чиқишларига, охир-оқибат Ҳукумат уйининг ишғол қилиниши ва Қирғизистонда ҳокимиятнинг ўзгаришига олиб келган сабаб ҳамда омилларга баҳо беришда томонларнинг позицияси бир хиллиги ва уйғунлиги қайд этилди.

Юзага келган барча муаммоларни ҳуқуқий асослар ва Конституция талаблари доирасида ҳал этиш, бузғунчи кучларнинг мамлакатдаги вазиятни мураккаблаштиришга олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларини бартараф этиш учун мавжуд барча имкониятларни тўла сафарбар қилиш ҳамда улардан фойдаланиш зарур ва муҳим эканлиги ҳам таъкидланди.

Қирғизистондаги бугунги энг муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда томонларнинг ҳамжиҳатлиқда ҳаракат қилиши ва амалий ҳамкорлиги тўғрисида келишиб олинди.

(ЎзА)

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

28 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш учун тавсия этилаётган масалаларга доир таклифларни кўриб чиқдилар.

Мажлисда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси А.Турсунов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидованинг ахборотлари эшитилди. Таклиф этилаётган масалаларни навбатдаги мажлиснинг кун тартибига киритишни Қонунчилик палатасига тавсия этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг қонуний асослари ва уни такомиллаштириш муаммолари» мавзуида семинар-тренинг ўтказди.

Унда парламентда соғлиқни сақлаш тизимига оид қонунларни такомиллаштириш, янгиларини қабул қилиш, жойларда учраётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Шу билан бирга қўмитанинг жорий йилда амалга оширадиган қонунчилик фаолияти йўналишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, қўмита шу йил «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар, «Тиббиёт фаолияти тўғрисида»ги янги Қонун лойиҳаларини парламент муҳокамасига киритишни режалаштирган. Соҳага оид бир қатор қонунлар устидан назорат-таҳлил олиб бориш кўзланган.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Илҳом Насриев ушбу масалалар ҳақида маълумот берди. Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, А.Ҳожибоев Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика ёрдам кўрсатиш Бош бошқармаси бошлиғи Ш.Ҳошимов «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ижроси, тиббиётга доир қонунчилик асосларига киритилиши мўлжалланган ўзгартиришлар тўғрисида маъруза қилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, тиббиёт фанлари доктори, профессор З.Ботирова соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, анжуманда иштирок этган тиббиёт соҳасидаги қатор ихтисослаштирилган марказлар вакиллари, малакали мутахассислар ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

(Ўз мухбиримиз)

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, парламент фаолиятини ёритувчи журналистлар қатнашди. Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти сифатида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бу борадаги муҳим вазифалардандир.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва тузилмаларининг ОАВ билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ҳақида, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмуҳамедов ушбу ҳамкорлик борасида хорижда орттирилган тажриба тўғрисида маъруза қилди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

2005 йил 31 март куни «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти совринлари учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказиладиган анъанавий «Ташаббус-2005» кўрик-танловининг республика босқичи бошланади.

ДИҚҚАТ!!!

Тадбир доирасида соат 9.00 дан 17.00 гача кўрик-танлов қатнашчилари — вилоят босқичи ғолиблари маҳсулотларининг кўргазмаси ташкил қилинади.

Кечки оқшомда кўрик-танлов натижаларини аниқлаш ва ғолибларни тақдирлаш тантанали маросими бўлиб ўтади.

Барча тадбиркор, фермер ва ҳунармандларни миллий ишлаб чиқарувчилар — хусусий сектор субъектлари маҳсулотларининг кўргазмаси билан танишиш учун таклиф этамиз. Кўргазмага кириш бепул.

«Ташаббус-2005» кўрик-танлови ташқилий қўмитаси

ПОЙТАХТДА ТУТАШГАН ЙЎЛЛАР

Наврўз байрамига бағишлаб уюштирилган Умуммамлакат оммавий марафони ниҳоясига етди

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» шиори остида иккинчи маротаба ташкиллаштирилган спорт ҳаракати аҳоли ўртасида енгил атлетикани оммавийлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёдингизда бўлса, бутун мамлакатни ўз ичига қамраган мазкур хайрли тадбир илк маротаба ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Ўзбекистон Конституциясининг 12 йиллиги муносабати билан ўтказилганди.

Наврўз байрамига бағишланган бу галги марафон ҳам одатдагидек уч йўналиш: Нукус — Урганч — Бухоро — Самарқанд — Тошкент; Термиз — Китоб — Самарқанд — Жиззах — Сирдарё — Тошкент; Наманган — Андижон — Фарғона — Тошкент бўйлаб уюштирилди. Умуммамлакат марафони 17 мартда Нукус шаҳрида бошланган бўлса, 27 март куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий боғида поёнига етди. Аҳамиятлиси, ўн кун давом этган оммавий марафонда нафақат профессионал спортчилар, балки 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ўн минглаб ҳаваскор югурувчилар ҳам фаол қатнашдилар.

4-бет

ЯНГИЧА КЎРИНИШДА

Наврўз байрами арафасида АҚШнинг «Касеф» компаниясининг молиявий кўмагида Бухородаги «Гулистон» сайёҳлик меҳмонхонаси мажмуасида олиб борилаётган қайта таъмирлаш ишлари тугалланди. Ушбу мақсад учун 800 минг АҚШ долларидан зиёд миқдордаги маблағ сарфланди.

Мажмуа таркибидаги 150 ўринга мўлжалланган уч юлдузли «Семурғ» меҳмонхонасининг ташқи кўриниши европача усулда қурилган бўлса, ички безакларига миллийлик руҳи берилган. Шунингдек, 250 кишилик ресторан, яна 80 ўринли кичик зал ва 200 ўринли павильон ҳам қайта таъмирланиб, фойланишга топширилди.

А.ҚУДРАТОВ,
«Туркистон-пресс»

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75; 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

БАРЧА КУЧ ВА ИМКОНИЯТ — АМАЛИЙ ИШГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқ депутатлари минтақавий Кенгашларда кўрсатилган номзодлардан 301 нафари (ёки барча депутатларнинг 37 фоизи) ЎзХДП вакилларидир. Наманган, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоят Кенгашларидаги кўрсаткичларимиз бундан ҳам юқори. Туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлиги учун 5379 та сайлов округларидан 2379 тасида партиямиз номзодлари ғолиб чиқдилар. Бу шу даражадаги барча депутатларнинг 44 фоиздан кўпроғини ташкил этади (олдингига нисбатан қарийб 9 фоиз ортиқ). Айрим маҳаллий Кенгашлар таркибидаги депутатларимиз улуши 40-50, ҳаттоки ундан ҳам юқорироқдир. Умуман, барча даражадаги маҳаллий Кенгашларда Ўзбекистон ХДП депутатларининг улуши 42 фоизни, ЎзЛиДеПдан сайланганларники 31 фоизга тенг бўлди.

Пленумда депутатликка номзодларни танлаш ва уларни сайловолди курашга тайёрлашда йўл қўйилган хатолар ҳақида ҳам тўхталинди. Масалан, Олмалиқ ва Бекобод шаҳар, Кегейли, Нукус, Хўжайли, Шаҳрихон, Қуйичирчиқ туманлари партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДПдан зарур миқдорда депутатликка номзодлар кўрсата олмади, баъзи жойларда эса сайловолди кураш стратегияси ва тактикаси бўш бўлди, тарғибот-ташвиқот ишлари эски усулларда олиб борилди.

Маърузада партиямизнинг айрим аъзолари номзодларимиз ғалабаси учун курашга ҳисса қўшмаганликлари, ҳатто улар рақиб номзодлар фойдасига ҳаракат қилганликлари қаттиқ танқид остига олинди. Партия сафини бундай эътиқодсиз кишилардан тозалаш, ЎзХДП сафига қабул талабларини оширишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Пленум иштирокчилари сайлов якунларига тегишлича баҳо бериб, асосий эътиборни шу куннинг вазифаларига қаратдилар. Сайлов ортда қолди, **энди партиямизнинг сайловолди мақсад ва ваъдаларини бажариш навбати келди,** деди Ўзбекистон ХДП раҳбари. Бунинг учун партиямизнинг парламентдаги фракцияси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида 202 та депутатлик гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиш даркор. **Энг асосийси — депутатларимиз ишини ташкил этишдир**. Шу мақсадда Марказий Кенгаш партия Сайловолди Платформасини амалга ошириш юзасидан **ҳаракат дастурини қабул қилинишини таклиф этади**. Унга келгуси сайловларгача бўлган даврга мўлжалланган ва бажарилиши мумкин бўлган ишлар киритилди.

Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ҳал этиб, тарафдорларимизга, барча сайловчиларимизга нималарга қодир эканлигимизни кўрсатишимиз лозим. Бу ишнинг асосий йўналишлари нимадан иборат?

Биринчи навбатда, бу — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги фракциямизнинг қонуняратувчилик фаолиятидир. Яъни, қонун ва бошқа давлат ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол иштирок этиш, муқобил таклиф ва лойиҳалар киритиш, ижтимоий ривожланиш ва аҳоли заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларида қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш, партия электорати манфаатларига тааллуқли бўлган қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда ўз нуқтаи назари учун курашиш, қонунлар ижроси устидан назоратда иштирок этиш ва бошқалар. Шу мақсадда, фракция аъзоларига палата мажлисларида фаоллик, ташаббускорлик ва қатъиятлиликни намоён этиш, таклифларимизнинг моддама-модда овозга қўйилишига эришиш. У ёки бу масала юзасидан фракция нуқтаи назарини депутатлар орасида расмий материаллар сифатида тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, у ёки бу қонун лойиҳалари юзасидан партиянинг таклифлари, нуқтаи назари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали, мамлакат жамоатчилигини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш зарур.

Ҳаракат дастурида **халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари** фаолиятига тааллуқли кўплаб масалалар кўзда тутилган. Бу кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши ҳокимият маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ваколатига кириши билан боғлиқдир. Шунингдек, сайловчилар томонидан кўтарилган кўплаб ўткир масалалар, чунончи коммунал хизматларнинг сифати ошмай, тарифларининг тез ўсиб бораётгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланмаслиги, жойларда, айниқса, ёшлар орасида кўплаб ишсизлар мавжудлиги, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси пастлиги, сотилган маҳсулот учун фермерлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаслиги ва бошқаларнинг жойларда қонунчилик ижроси қониқарсизлиги, баъзи мансабдорларда ижро интизомининг пастлиги натижаси эканлиги ҳам ҳисобга олинди.

Жорий йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари диққат марказида қуйидагиларнинг бўлиши тавсия этилади:

— сессиялар кун тартибига аҳоли манфаатларига тааллуқли масалаларни киритиш ташаббуси билан чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришиш;

— жойларда амалдаги қонунлар ижросини мунтазам назорат қилишни ташкил этиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидаги ижро интизоми пастлиги тўғрисидаги ҳар бир ҳолга жамоатчилик эътиборини жалб қилиш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, депутат сўровлари, депутат мақомида кўзда тутилган ишнинг бошқа шаклари орқали вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинларида мунтазам ҳисоб бериб туришларига эришиш;

— мамлакатимиз Президентининг ислоҳотларни амалга ошириш йўлида асосий тўсиқ, бу — айрим амалдорларнинг тўрачилиги эканлигини қайта-қайта такрорлашига асосланиб, қонунлар, дастурлар ва қарорлар ижросини тўлиқ таъминламаётган, ҳатто амалдаги қонунларга зид ҳаракат қилаётган мансабдор шахсларга нисбатан муросасиз бўлиш.

Юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор бериш — Ўзбекистон ХДПдан сайланган ҳар бир депутатнинг бурчи ҳисобланади. Жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари қабулхоналари ишини йўлга қўйиш, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўрганиб чиқиб, керак бўлса тегишли идораларга мурожаат қилиш, ҳуқуқий маслаҳатлар берилишини ташкил этиш лозим.

Ҳаракат дастурида қўйилган вазифаларни ҳал этишда **жамоат тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар,** айниқса, бизнинг табиий иттифоқдошларимиз — касаба уюшмалари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси бўлинмалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, фахрийлар, ногиронлар жамиятлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) маҳаллий вакилликлари билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга.

Юқорида баён этилганлардан шундай муҳим хулоса келиб чиқади: **фақат аниқ ишлар билан сайловчилар ишончини оқлашимиз, партиямизга хайрихоҳ бўлган ва бизни қўллаб-қувватлаётганлар сафларини кенгайтиришимиз мумкин**. «Энг яхши ташвиқот – амалий иш» деган нақлни унутмайлик.

Лекин, шу билан бирга, — дейилади маърузада, — мафкуравий, оммавий-сиёсий ишларнинг синалган шакл ва услубларидан янада самарали фойдаланиш зарур. Ҳаттоки айтиш мумкинки, партиямизнинг янги сиёсий йўналиши белгиланиши маносабати билан **мафкуравий соҳа ташкилотимиз фаолиятининг ўта долзарб ва устувор вазифаларидан** бирига айланди. Ҳозирги кунда бу ишнинг марказида, **биринчидан,** мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида қилган дастурий маърузасини кенг тарғиб қилиш турибди. Нимага деганда, у мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ҳамма соҳалари, жамиятимиз тараққиётининг энг долзарб муаммоларини қамраб олган, барча идоралар, ташкилотлар, партиялар, жамоалар ва фуқароларга дахлдор ҳужжатдир. Шунинг учун, партия ташкилотлари унда баён этилган қоидаларни фуқароларга тушунтиришлари ва уларни ҳаётга татбиқ этишга ҳам ҳисса қўшишлари лозим.

Иккинчидан, мафкуравий ишларимизнинг долзарб вазифаси — партиямизнинг сўл позицияси, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, шунингдек, парламент демократияси, партияларнинг жамиятдаги роли ва вазифалари, демократик сиёсий мухолифатнинг ўрни ва аҳамияти, Қонунчилик палатасидаги фракциямизнинг парламент озчилиги мақомини олиши тўғрисидаги Баёнотини партиядошларимиз, тарафдорларимиз, хайрихоҳларимизга ҳар томонлама тушунтириб беришдир. Биз бу ишни ўз кучимиз билан, мавжуд имкониятларимиз, жумладан, партия матбуотидан самарали фойдаланиб бажармоғимиз лозим.

Учинчидан, бутун мамлакатда ўз тузилмаларига, тажрибали тарғиботчи ва журналистларига эга бўлган партиямиз фуқаролик маърифатини ривожлантириш ишига муҳим ҳисса қўшишга даъват этилган. Сир эмас, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар деб аталмиш баъзи ташкилот ва жамиятлар демократик давлатларда бир неча аср давомида шаклланган андозаларни Ўзбекистонда, бу ердаги шарт-шароит, халқнинг сиёсий билимдонлиги, менталитети ва миллий анъаналарни ҳисобга олмай, тезроқ жорий қилишга даъват этмоқдалар. Бундай хатти-ҳаракатлар қандай оқибатларга олиб келишини айрим мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз.

Демократия шу билан қадрлики, у турли манфаатлар, қарама-қарши фикрларни инобатга олиш, энг ўткир муаммоларни ҳам қонун йўли билан ҳал қилиш имкониятини беради. Шу нуқтаи назардан олганда, Қонунчилик палатасидаги фракциямизнинг парламент мухолифати вазифасини ўз зиммасига олиши мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли сиёсий кучларнинг манфаатлари мутаносиблигини таъминлашга қаратилган.

Шу муносабат билан, қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз: энг аввало, фаоллар ва тарғиботчиларга услубий кўмак бериш мақсадида, мақола ва рисолаларни тайёрлаб чоп этиш, конференция, семинар ва «давра суҳбатлари», турли оммавий тадбирларни ўтказиш, Ёшлар марказлари ва Хотин-қизлар шўъбалари имкониятларидан фойдаланиш ва бошқалар. Бу вазифа партия кенгашлари ва матбуот нашрлари зиммасига тушади.

Бу ишда **партиямизнинг халқ билан бевосита боғлиқ қуйи бўғинлари иштирокини таъминлаш зарур. Партия кенгашлари ва БПТ,** улардаги сиёсий етук, тажрибали фаоллар фақат ички партиявий ишлар билан ўралашиб қолмай, шу йўналишдаги ҳаракатларни меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида, аҳолининг барча тоифалари ўртасида мунтазам олиб боришлари керак. Ижтимоий муҳитни кузатиб бориб, уни беқарорлаштириши мумкин бўлган нохуш ҳолатлар, диний экстремистлар ва бошқа бузғунчи кучларнинг турли чиқишларига зарба бериш, улар тўғрисида юқори партия ташкилотларини хабардор қилиш лозим.

Умуман партиямиз сўл сиёсий куч сифатида аҳоли ва ҳокимият ўртасида «ижтимоий вазият барометри» вазифасини бажариб, жамиятда кескинлик келиб чиқариши мумкин бўлган муаммолар тўғрисида ҳукуматни огоҳлантириб бориши ва уларнинг ечимига доир ўз таклифларини тақдим этиб туриши керак.

Партиямизнинг мафкуравий фаолияти муносабати юзасидан яна икки масалага эътиборингизни қаратмоқчимиз. Уларнинг, биринчиси, ташкилотларимизнинг «**Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини амалга оширишда иштироки масаласидир**. Пленум кун тартибига шу борадаги тадбирлар режасини кўриб чиқиб, тасдиқлаш киритилган. Нима учун биз бу Дастурни қўллаб-қувватлашимиз ва уни бажаришга кўмаклашишимиз керак? Чунки, аҳоли саломатлигини таъминлаш муҳим ижтимоий масала бўлиб, айни шу соҳада кўплаб муаммолар мавжуд. Саломатлик йили доирасида жойларда уларнинг бир қисми ечилса ҳам, барчага фойдаси тегади. Партия ташкилотлари ва депутатларимиз ушбу Дастурнинг ижроси устидан назорат ўрнатишлари, бу йўлда учраётган камчиликларни бартараф этишга кўмаклашишлари лозим.

Иккинчи масала — **партия матбуотининг ролини ошириш тўғрисида.** «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари кейинги пайтларда партия матбуотига тобора кўпроқ ўхшаб бормоқда. Улар Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари ва унинг сиёсатини тарғиб қилишга, партия ташкилотлари, парламентдаги фракциямиз фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга кўпроқ эътибор бера бошладилар.

Шу билан бир қаторда, партиянинг сиёсий позициясида янгиланиш рўй берганлиги ва унинг парламент фракцияси мухолифат мақомига эга бўлганлиги муносабати билан, газеталаримиз йўналишида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлиши зарур. Биз газеталаримизни партиянинг янада таъсирчан минбари, холис ойнасига айланиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Улар энди сўл партия ва парламентдаги мухолиф фракциянинг ишончли таянчи бўлмоқликлари лозим.

Партиямиз мафкураси ва сиёсатидаги жиддий ўзгаришлар билан бир қаторда, Марказий Кенгаш VII пленуми қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ХДПнинг ташкилий тузилмалари ҳам ислоҳ қилина бошланди. Партия IV қурултойи тасдиқлаган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Уставининг янги таҳрири яқинда Республика Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши муносабати билан, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми партия ташкилотларининг уни амалга киритиш бўйича вазифаларини белгилади.

Шу муносабат билан кадрлар масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кўплаб партия ташкилотлари, айниқса партия кенгашлари раҳбарлари сайловлар даврида катта имтиҳондан шараф билан ўтдилар. Лекин раҳбар кадрларнинг бир қисми сайловолди курашига тайёр эмаслигини кўрсатди, ўз ташкилотлари олдида турган вазифаларнинг бажарилишини таъминлай олмади. Шунинг учун партия ташкилотлари раҳбар кадрлари, айниқса, янги шароитларда партиямизнинг таянч бўғинларига айланиши керак бўлган шаҳар ва туман партия кенгашлари раҳбарлари таркибини диққат билан ўрганиб чиқиш, уларнинг айримларини мустаҳкамлаш лозим. Айни пайтда партия кадрларини ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини тиклаш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолди.

Партия олдида турган устувор вазифаларни бажаришда **тегишли молиявий замин зарурлиги шубҳасиз.** Маърузачи Марказий Кенгаш бу масалага жиддий эътибор бериб, партия ташкилотларидан аъзолик бадалларини тўплаш, маблағлар ва моддий-техник воситалардан тежамкорлик билан фойдаланишни талаб қилиб келганлигини эслатди ва партиямизнинг 2004 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини, умуман олганда, қониқарли деб баҳолашини айтди. Ўтган йил давомидаги даромадлар 850,4 млн. сўмни ташкил этди, бу харажатлардан 17,9 млн. сўм кўп демакдир. Шу билан бир қаторда, баъзи партия кенгашлари раҳбарларининг молиявий-хўжалик ишларини тўғри олиб боролмаётганликлари ёки боқимандалик кайфиятида эканликлари сабабли турли иқтисодий қийинчиликларга дуч келинаётгани ҳам кўрсатиб ўтилди. Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштиришга ўтилган шароитда ҳам даромадларнинг асосий манбаи тўпланадиган партия аъзолик бадаллари бўлиб қолиши таъкидланди.

Марказий Кенгаш **2005 йилга партия бюджетини** даромадлар бўйича 1 миллиард 164,6 млн. сўм, харажатлар бўйича 1 миллиард 188,9 млн. сўм миқдорида, 2,1 фоиз камомади билан тасдиқлаш таклифини киритди.

Марказий Кенгаш раҳбари маъруза интиҳосида олдинда ўта муҳим ва залворли ишлар кутаётганини эслатиб, пировардида шундай деди:

— Биз партия фаоллари, унинг барча аъзолари ва кўп сонли тарафдорларини, барча даражалардаги депутатларимизни меҳнат аҳли, Ватан манфаатларидан юксакроқ манфаатлари бўлмаган Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари ва режаларини амалга ошириш учун янада қатъийроқ курашишга даъват этамиз!

Пленум кун тартибидаги масалалар муҳокамасида қуйидагилар иштирок этдилар:

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Маълумки, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ишини бошлаб, қўмиталарнинг 2005 йилга мўлжалланган иш режалари, қонуняратувчилик, назорат-таҳлил фаолияти муҳокама қилинди. Ушбу жараёнларда Халқ демократик партиясининг фракцияси ҳам фаол иштирок этди.

Мен Қорақалпоғистон Республикасидаги 117-Амударё сайлов округидан депутат бўлиб сайланганман. Ҳар бир ҳудуднинг ўз имкониятлари, мураккабликлари бўлганидек, Қорақалпоғистоннинг ҳам ўзига хос иқлим шароити, экологик муаммолари бор. Ушбу қийинчиликлар халқнинг ҳаётида маълум муаммоларни келтириб чиқараётгани сир эмас. Буни айтаётганим, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини бошлаётган экан, яратилаётган ҳар бир қонун ёки аввал қабул қилинган ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришларда сайловчиларнинг манфаатлари акс этиши керак.

Вадим КУЧЕРОВ, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти Бош директори:

— Ўзбекистон ХДП том маънодаги демократик партия бўлиши учун биз ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Аввало, партиянинг ички янгиланиши масаласида демократик центризмдан сўзда эмас, амалда воз кечиш лозим.

Бугунги кунда партиянинг бошланғич партия ташкилотлари билан алоқалари ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам бўлиши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида партия аъзолик бадалларини тўплаш масаласига жуда катта масъулият билан ёндашиш зарур.

Яна бир нарсага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Тошкент шаҳар партия конференциясида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси вакили шаҳар партия ташкилоти тафтиш комиссиясига аъзо этиб сайланган эди. Тўрт ой вақт ўтибдики, бу органнинг бирорта ҳам мажлиси бўлмади. Демак, комиссия аъзолари ҳеч қандай иш қилишмаяпти. Маълумки, тафтиш комиссиялари партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи муҳим орган бўлганлиги учун улар доим ҳаракатда бўлиши лозим.

Олим РАВШАНОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадраё вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Бўлиб ўтган ялпи сайловлар партия ташкилотларимизни ҳам, партия аъзоларимизни ҳам катта синовдан ўтказди. Вилоятимиз миқёсида ЎзХДПдан 3 нафар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, 28 нафар халқ депутатлари вилоят Кенгашига ва салмоқли ўринда шаҳар ва туман Кенгашларига депутат этиб сайландилар. Эндиликда бу депутатлар, партиямизнинг барча фаоллари халқ ҳаётини янада яхшилаш йўлларини ўйлаб кўриши ва шунга интилиши лозим. Бунда биринчи галда партиямизнинг Сайловолди Платформаси биз учун мукаммал асос бўла олади. Унда кўтарилган гоя ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этсак, халқимиз олдида муносиб эътиборга сазовор бўламиз.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Сайлов натижаларини вилоятимиз мисолида айтадиган бўлсак, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашига ХДП дан 20 нафар депутат сайланди. Шаҳар, туман Кенгашларида ҳам депутатларимиз 49,4 фоиз ўринни эгаллади.

Аммо шу ўринда бир аччиқ ҳақиқатни айтиб ўтиш керак, Сирдарёдан бирорта ҳам номзодимиз Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланмади. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта.

Биз сайловлар даврида қандай ишлаган бўлсак, бугун ундан-да кучлироқ фаолият кўрсатишимиз зарур. Шунда бизни халқ қўллаб-қувватлайди, кейинги сайловларда юзимиз ёруғ бўлади.

Фармон ТОШЕВ, Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раиси, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири:

— Ҳозир ҳеч биримиз истеъмолчи сифатида коммунал хизматлардан фойдаланганимиз учун қанча тўлаяпмизу, аслида унга кетаётган харажат неча сўмни ташкил қилишини ҳисоб-китоб қилмаймиз. Демак, коммунал тўловларда ҳам маълум бир мезонни ишлаб чиқиш керак.

Бугун ҳаммамизга маълум, қишлоқ мактабларида ўқитувчи кадрлар муаммоси мавжуд. Олий ўқув юртини тугатаётган қайси битирувчидан сўрасангиз, шаҳарда қолиш ниятида эканлигини айтади. Бунинг асосий сабаби нимада? Менимча, қишлоқ мактаблари ўқитувчиларининг имтиёзларини тиклашимиз керак. Мени ўйлантирган яна бир муаммо — бу автомобиль йўлларининг талаб даражасида эмаслиги. Ҳаммамиз машинамиз бор ёки йўқлигига қарамасдан йўл солиғи тўлаймиз. Лекин, истеъмолчи сифатида ўзимизнинг талабимизни бирор марта ҳам айтмаймиз. Бу тўғрида ҳам таклиф билдирсак, муаммони ечиш йўлларини изласак, деб ўйлайман.

Ҳамро ЭРМАТОВ, Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят Кенгаши биринчи котиби:

— Бугун аччиқ бўлса-да баъзи гапларни айтишимиз керакки, токи кейинги сайловларда улар яна такрорланмасин. Вилоятимиздаги 8 та сайлов округидан қуйи палатага кўрсатилган номзодларимиз депутатликка муносиб кишилар эди. Биз бу сиёсий курашларда бошқа сиёсий партияларга нисбатан муносиб рақиб бўла олдик, деб ўйлайман. Сайловларда номзодларимизнинг тенг ярми халқ ишончини қозониб, депутат деган шарафли номга сазовор бўлишди.

Биз партиянинг IV қурултойида ўзимизнинг мақсадимизни, йўлимизни белгилаб олдик, парламентдаги озчилик мухолифатдаги партиямиз, дедик. Демак, биз қаттиқ позицияда туришимиз керак.

Яна бир масала. Биз бўлиб ўтган сайловлар жараёнида қонунларга итоатда бўлишимиз, сайлов маданиятига юксак даражада амал қилишимиз лозимлигини англадик. Сайловда шундай ҳолатларнинг гувоҳи бўлдикки, айримлар бир партиядан номзоди тасдиқланмагач, бир кечада бошқа партияга ўтиб, ўшандан номзодини қўйди.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» газетасининг Фарғона вилояти бўйича мухбири:

— Биз партиянинг мустақил йўналиши, интилишлари ҳақида сўзламоқчи бўлсак, сўллик позициясидан туриб гапиришимиз зарур. Масаланинг иккинчи томони, сўллик ўзи нима, сўлликнинг таърифи қанақа — бу масала ҳақида партиянинг раҳбарияти, борингки вилоят кенгашлари тасаввурга эга. Лекин унинг моҳияти кўпчилик партия аъзоларига, одамларга етиб бормаган.

Шу ўринда туман ва шаҳар партия ташкилотлари котиблари, кадрлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Муаммоларни ҳал қилишда, бажараётган ишларимизни халқ онгига етказишда бошланғич партия ташкилотларининг, туман-шаҳар кенгашлари котибларининг масъулияти жуда катта. Лекин мухбир сифатида яхши хабардорман, бу ишларнинг моҳиятини жуда кўп партия котибларининг ўзи билмайди.

Яқинда халқ депутатлари Охунбобоев туман кенгаши фаолиятини ўргандим. Кейинги ўн йил ичида бу ерда фаолият кўрсатган ХДП гуруҳи Кенгаш сессияларида бирорта ҳам таклиф билан чиқмаган. Бирорта масалани сессия кун тартибига киритмаган. Бу фаолиятсизликнинг туб сабаби нимада? Маълум бўлишича, худди шу туман ХДП кенгашида кейинги ўн йилдан кўпроқ вақт давомида 10 марта биринчи котиб алмашган экан. Бундай ҳолатда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи билан ким ҳам шуғулланади...

Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ, Наманган вилоят ҳудудий стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш маркази бошлиғи, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси:

— Қуйи палатадаги фракциямиз аъзолари «Давлат хизматчилари тўғрисида», «Миграция тўғрисида» қонунлар қабул қилинишига эришишлари зарур. Шунингдек, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунни ҳам бугунги кун талабларига мувофиқлаштириш лозим.

Шунингдек, маҳаллаларда, аҳоли истиқомат жойларида партиямизнинг сўллик позицияси унинг мазмун-моҳияти халқимизга аниқ тушунтирилиб, тўғри етказилса, фойдали бўлади.

Анвар ШУКУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мен Қонунчилик палатаси депутати сифатида кўпроқ муаммо бор жойда қонун яратиш тарафдориман. Назаримда, унақа муаммо йўқ, деб тўсқинлик қилувчиларга қарши аниқ, ҳаётий фикрларни олдинга суриш лозим. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари мавжуд муаммони таҳлил қилиб, кўрсатиб бериши керак. Биз биринчи навбатда ҳақиқатан ҳам шундай муаммо бор, уни қандай қилиб ечсак бўлади, шу масалада қонун яратиш зарурати бор, деган таклифни тайёрлашимиз керак. Ана шундагина қонун яратишга асос пайдо бўлади.

❖

Пленумда Ўзбекистон ХДП Устави (янги таҳрири)ни амалга киритиш, партия IV қурултойи делегатлари ваколатларини узайтириш, янги шароитларда партия дастурий ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадида чақириладиган навбатдаги қурултойга тайёргарлик кўриш ҳамда муҳокама этилган бошқа масалалар тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Гулноза Сатторова ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари этиб сайланди.

Пленум иштирокчилари Қирғизистонда сўнгги кунларда юз берган воқеаларга муносабат билдириб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил 25 мартдаги Баёнотини тўла қўллаб-қувватлашларини маълум қилдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Хавфли вирус

Анголада 120 одам ҳаётини олиб кетган Марбуга вируси хуружи қайд этилди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда бу вирусга дучор бўлган одамнинг иситмаси кўтарилиб, қайт қила бошлайди.

Ангола Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари мамлакатда вазият оғирлигини айтишмоқда.

БМТ тасарруфидаги тиббий ходимлар ва маҳаллий шифокорлар вирус тарқалиб кетишига йўл қўймаслик ҳаракатида.

Қарашлар турлича

Япония ва Франция Европа Иттифоқининг Хитойга қурол сотишга қўйилган эмбаргони бекор қилиш борасидаги ҳаракатига қарашлари турлича эканлигини маълум қилишди.

Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзуми унинг мамлакати эмбарго бекор қилинишига қарши эканлигини айтди. Унинг фикрича, эмбаргонинг бекор қилиниши Шарқий Осиёдаги ҳарбий кучлар мувозанатини бузиб юбориши мумкин.

Бироқ Франция президенти Жак Ширак эмбарго қабул қилинганидан буён (1989 йилда Тяньаньмынь майдонидаги намойиш бостирилган) кўп нарса ўзгарганини айтди. Эмбарго бекор қилинган тақдирда ҳам Пекинга «стратегик аҳамиятга эга» бўлган қурол ва технологиялар сотилишига йўл қўйилмаслигини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрича, ўша пайтда киритилган эмбарго сиёсий асосга эга бўлиб, у ҳозирги замонга тўғри келмайди.

Биринчи расмий ташриф

Тайбэй мухолифат кучлари 1949 йилдан бери Хитойга биринчи марта расмий ташриф буюрди.

Миллий партия раиси муовини Чан Пин-Куннинг айтишича, ташрифдан асосий мақсад Тайбэй ва Хитой ўртасида вужудга келган зиддиятларни бартараф қилишдан иборатдир.

Март ойининг бошида Пекин ҳукумати Тайбэй ўзини мустақил деб эълон қилган тақдирда куч ишлатиш ҳуқуқини берувчи қонунни қабул қилди. Тайбэй ҳукумати эса бу қонунни қаттиқ танқид остига олди.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ — МАНФААТДОРЛИК МАНБАИ, ШУНДАЙМИ?

МАРКАЗИЙ БАНК БУХОРО ВИЛОЯТИ БОШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ МЕҲРИДДИН АБДУЛЛАЕВ «ҲА!» ДЕБ ЖАВОБ БЕРДИ ВА ҚУЙИДАГИЧА ШАРҲЛАДИ:

Банк ва ислоҳот

— Бугунги кунда ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси, жумладан, фермер хўжалиги ҳам ўз фаолиятини қандай йўналишда ташкил этишидан қатъи назар, уларни сўнгги натижа — яъни, қандай самара берди, нима билан якунланди, ишловчиларнинг турмуш тарзида, фаолиятида ўз аксини топдими, йўқми деган саволлар қизиқтиради. Олинган даромад билан қилинган сарф харажат — яъни, буромад таққосланади.

Хўжалик юритишнинг дастлабки даврларида аксарият ширкат хўжаликлари ўз фаолиятларини тўғри ташкил эта олмаганликлари ва етиштирилган маҳсулот қиймати билан уни ишлаб чиқаришга сарфланган моддий ресурслар қиймати тўла қопланмаганлиги туфайли ўртада фарқ пайдо бўлиб, жамоалар йилни зарар билан якунлаганликлари сир эмас. Шу боис, 2005 йилдан бошлаб, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги **«2005 — 2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори асосида барча туманлардаги истиқболсиз ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари аниқланиб, тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Бизнинг вилоятимизда ҳам 32 та шундай истиқболсиз ширкат хўжаликлари ўрнида янгидан 1492 та турли йўналишдаги фермер хўжаликлари фаолият бошлашди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан соҳани ривожлантиришга амалий қадамлар қўйилди. Бироқ, уларни моддий — техника таъминоти ва молиявий ресурслари бир мунча чекланганлиги сабабли самарали ишлашларига имкон бўлмади. Ҳозирги ривожланиш босқичига келиб эса барча йўналишдаги фермерликни кенг ривожлантиришга етарли шарт-шароитлар яратилиб, улар лизинг асосида керакли техника воситалари билан таъминланаяпти. Банклар томонидан (молиявий маблағ ажратиш транш орқали эмас, йўналишлари белгиланган аниқ мақсадларга) имтиёзли кредитлар бериш кучайтирилди. Давлат буюртмасидан ортиқча етиштирилган ғалла ҳосилининг хўжаликлар ихтиёрида қолдирилаётганлиги ҳам уларда манфаатдорликни оширди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йил 7 февралда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан бўлиб ўтган йиғилишда қилган маърузаларида фермерликнинг устунликларини таърифлаб: **«Модомики, фермерлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарали усули экан, бу ҳаракатга кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, масъулиятини ошириш, ерни уларга 50-100 йиллик муддатга ижарага бериш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш орқали бу мақсадга эришиш мумкин»** — дедилар. Шундай экан, биздан энди мазкур йўналиш соҳага янгича ёндашувни тақозо этади ва келгусида у энг устивор йўналиш бўлиб қолади.

Ҳозир айтганимиздек, янги ташкил топган фермер хўжаликлари харажатларини банк томонидан имтиёзли кредитлаш орқали амалга оширилиши (яъни, транш орқали эмас!) улар учун жуда кўп қулай имкониятлар яратди. Биринчидан, хўжалик раҳбари маблағни ишлаб чиқариш учун энг зарур жараёнларга — ёқилғи-мойлаш материалларига, МТП хизматларига, минерал ўғит сотиб олишга, электр энергияси ва бошқа агротехник тадбирларга мустақил йўналтириш имконига эга бўлди. «Имтиёзли кредитлаш чинакам манфаатдорлик манбаими?» — деган саволга иккиланмасдан «ҳа!» — дея жавоб беришимнинг боиси шунда.

Фермер хўжаликларини давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлашнинг вақтинчалик тартиби дастлаб Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 383-қарорига асосан 2003 йилдан бошлаб 4 та вилоятда (жумладан, бизнинг вилоятда) жорий этилди. Ҳозир барча қишлоқ хўжалик корхоналари ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари шу тизимда ишлаяпти. Келгуси йилдан бошлаб уни ғаллачиликка ихтисослашган ширкат хўжаликларига ҳам татбиқ этишни кўзлаб турибмиз.

2005 йил ғалла ва пахта хомашёси етиштириш харажатларининг ҳар бир турини молиялаштиришга мақсадли кредит миқдори — 1 тонна маҳсулот етиштириш учун сарфланиши мумкин бўлган харажатлар меъёрига кўра ажратилиши белгиланди. Кредитлаш тизимига ўтилган дастлабки 2003 йилда банклар томонидан фермер хўжаликларига имтиёзли кредит. йиллик 7,5 фоизда, 2004 йилда 5 фоиз миқдорида ажратилган бўлса, 2005 йилда бу фоиз (ставка) йиллик 3 фоизни ташкил этиши тахмин қилинаяпти. Бу — уларга реал бизнес режаларини ишлаб чиқишлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун етарли шарт-шароитларнинг тўла яратилганлигидан далолат.

Вилоятдаги ғалла ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига 2003 йилда 5,1 млрд. сўм кредит маблағи ажратилган бўлса, 2004 йилга келиб, унга бўлган талаб 2,6 марта ортди ва 13,6 млрд. сўм ажратилди.

Маълумки, бугунги кунда фермер хўжалигининг раҳбари агротехник харитада белгиланган харажат турлари бўйича хомашёни етиштириш учун сарфланиши мумкин бўлган харажатларни назорат қилиши билан бирга, ўз хўжалиги фаолиятини самарали ташкил этишда нафақат иқтисодчи, балки банк, таъминот корхоналари билан муносабатда раҳбар ҳамдир. У шартнома шартларининг бажарилмаслиги натижасида келиб чиқадиган хўжалик низоларини ечишда масъулиятли юридик шахс — ҳисобланади.

Масалан, Мустафо Файзуллаев раҳбар бўлган Бухоро туманидаги «Арбоб Ғайбулло» фермер хўжалиги фаолиятини олинг: хўжалик ишни мустақилликнинг дастлабки йилларида 1 гектар ер билан бошлаган бўлса, ҳозир имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиб, 268 гектар ерни бевосита бошқармоқда...

Фермернинг сўнгги уч йиллағни хўжалик ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мақсадли йўналтириб, давлатга 634 тонна ёки 2002 йилга нисбатан 224 тонна кўп пахта сотди. Ҳосилдорлик ўртача 42,3 центнерни ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан 13,9 центнерга кўтарилди. Жами даромад 157,6 млн. сўм бўлди. Ҳосилни етиштириш учун 98 млн. сўм харажат қилинди. Рентабеллик даражаси 2002 йилга нисбатан 4 мартага (ёки 60,7 фоиз) ошди. Соф фойда — 59,5 млн. сўм!

2004 йил натижалари эса янада салмоқли бўлди. Ер майдони 58 гектарга кўпайиб, 268 гектардаги ерда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштиришга банкдан ҳосил қийматининг 50 фоизи миқдорида (агротехник меъёрлар асосида) 77000 минг сўм кредит маблағи олинди. Уни ҳам фермер хўжалиги ўз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мақсадли йўналтирди ва давлатга 833 тонна ёки 2003 йилга нисбатан 200 тонна кўп пахта сотди. Ҳосилдорлик ўртача 43 центнер, даромад — 242 млн. сўм, ҳосилни етиштириш учун харажат 155,5 млн. сўмни ташкил этди. Пировардида, 86 млн. сўм соф фойда олишга эришилди. Шунингдек, кредит маблағи ҳам муддатида қайтарилди. Якуний натижа: ўртача ҳар бир ходимга тўғри келган фойда миқдори 2002 йилдаги 71,5 минг сўмдан 2004 йилда 1459 минг сўмга етган ёки 20 марта ўсган.

Мазкур фермер хўжалигининг 2004 йил фаолиятини айни шу ҳудудда жойлашган ширкат хўжалиги кўрсаткичлари билан солиштирганда масала янада ойдинлашади:

№	Кўрсаткичлар	Ширкат	Фермер	Фарқи
А	Б	1	2	3=2-1
1.	Рентабеллик даражаси, %	26,7	55,4	28,7
2.	Ҳосилдорлик, центнер	27,6	43,0	16,4
3.	Ўртача бир гектар ерга тўғри келадиган соф фойда, сўм	191457	321653	130196
4.	Ўртача бир ходимга тўғри келадиган соф фойда, сўм	204534	2052452	1847918
5.	Бир гектар ер майдонига тўғри келадиган транш ёки кредит маблағи, сўм	958034	278313	-697721

Кўриб турибсиз, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг имтиёзли кредитлаш тизимига ўтгандан кейинги фаолият натижалари шундан дарак берадики, хўжалик сарф-харажатни қисқартириш, маблағни мақсадли йўналтириш ва назорат қилиш ҳамда ердан олинган ҳосилдорликни ошириш ҳисобидан мўмайгина фойдага эришган.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит ажратилиши — уларга нафақат қўшимча имкониятлар бериши, балки, хўжаликнинг бизнес режасидаги кўрсаткичларини тўла бажарилишига, ўз фаолиятини мустақил ташкил этишига, тежамкорлик принципига амал қилишига, истиқболдаги режаларни белгилашига, ўтган йилларда бой берилган қўшимча манбаларни топилишига ҳамда уларни ишлаб чиқаришнинг янги жараёнларига жалб этишга имкон туғдиради. Энг муҳими, фермер хўжалигининг банк билан биргаликда бозор иқтисодиётига хос ҳамкорлиги ва ўзаро ишончи мустаҳкамланади.

Шарҳни Номоз САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

«ЎҚУВЧИНИНГ КИТОБ ЖАВОНИ»ГА

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти мактаб кутубхоналарини лотин алифбосида чоп этилган китоблар билан таъминлаш мақсадида ушбу туркумда турли адабиётларни нашр этишни бошлади

Бугун мамлакатимизда лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувига босқичма-босқич ўтиш жараёни амалга оширилмоқда. Республикамиздаги барча мактаблар, лицей, коллежларда таълим тўлиқ янги ўзбек ёзувида олиб бориляпти. Бу эса ўқувчиларнинг янги алифбодаги дарслик ва ўқув адабиётларига бўлган талабини оширмоқда. Чунки мактаб кутубхоналаридаги дарслик ва бадиий адабиётларнинг кўпчилиги кирилл алифбосида бўлиб, вазият ёшларимизнинг китобга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида муҳим ишлар қилиниши лозимлигини талаб этмоқда. Кузатишларнинг кўрсатишича, мактаб кутубхоналарини янги бадиий адабиётлар билан таъминлаш суст кечмоқда. Яратилаётганлари эса жуда оз нусхада бўлиб, уларни бутун республика мактабларига тақсимлайдиган бўлсак...

Ушбу вазиятни тўғри англаган «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти мактабларни турли янги номдаги китоблар, бадиий адабиётлар билан таъминлаш мақсадида улкан режаларни олдига мақсад қилиб қўйди. Нашриёт жорий йилдан бошлаб **«Ўқувчининг китоб жавони»** туркумида бой адабий меросимизнинг энг сара намуналарини лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувида нашр этишга киришди. Йил бошидан буён нашриёт Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Саид Аҳмаднинг «Қоракўз мажнун», Пиримқул Қодировнинг «Гавҳаршодбегим» каби асарларини кўпминг нусхада ўқувчиларга тухфа этди.

Китоблар келажак авлодни маънан етук, ақлан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Чоп этилган асарлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, «Фозил одамлар шаҳри» китобида Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири, ўз даврининг ёрқин сиймоси Абу Наср Форобийнинг фалсафий рисолалари ўрин олган. Алломанинг «Фозил одамлар шаҳри», «Афлотун қонунлари моҳияти», «Арасту фалсафаси» каби асарлари ўқувчининг бу таррук зот ҳақидаги тасаввурини бирмунча кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Маммуа 1993 йилда нашр этилган «Фозил одамлар шаҳри» танланган асарлари асосида қайта тартибланган.

Абдулла Авлонийнинг ахлоқий таълимга бағишланган асарларидан бўлмиш «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласи эса кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Унда «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» дарсликларидан олинган ихчам, тарбиявий ҳикояларнинг энг саралари танлаб олинган бўлиб, у ёш авлод онгида инсонийлик, тўғрисўзлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби қўникмаларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Шунингдек, ардоқли адибимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг «Қоракўз мажнун» тўпламида унинг турли йилларда яратган сара асарлари жамланган. Китобдан ўрин олган «Қоракўз мажнун», «Сароб», «Азроил ўтган йўлларда» ҳикояларида она ва фарзанд, ота ва ўғил ўртасидаги зиддиятли муносабатлар илдизи аср фожиаси, мустабид тузум сиёсати, мафкураси, ахлоқий ақидаларига бориб туташиши очиб берилган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Гавҳаршодбегим» («Она лочин видоси») романида эса Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийдек буюк сиймоларга меҳрини берган фидойи она — Гавҳаршодбегимнинг фожиавий тақдири тасвирланган. Маърифатли она умрининг охиригача адолат учун жасорат билан курашади. Истеъдодли ёшларни тарих саҳнасига чиқишларига кўмаклашади.

Ушбу асарларнинг барчаси ёшларни юксак маънавият, гўзал одоб-ахлоқ, адолат, маданият бобида, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда асосий манба ҳисобланади. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти китобхонларнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб, яна кўплаб асарларни нашр этишни режалаштирган ва бунинг устида ишламоқда.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

БИЛИМИ ЗЎРЛАР ҒОЛИБ БЎЛАДИ

Пойтахтимизда мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди

Ушбу олимпиада иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда Давлат тест марказлари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида биринчи ўринни, шунингдек, халқаро фан олимпиадаларида ўтказиладиган фанлар (физика, математика, кимё, биология ва информатика)дан I, II, III ўринни эгаллаган 593 нафар ўқувчи иштирок этди.

Қатнашчилар фан йўналишлари бўйича ёзма иш ва тест синовлари, махсус мактабларнинг ўқувчилари эса она тили, адабиёт, математикадан ёзма иш ва тест синовлари топширдилар.

Фан олимпиадаси натижаларига кўра, 56 нафар ўқувчи ғолиб деб топилиб, улар орасидан халқаро олимпиадада иштирок этувчи жамоалар шакллантирилади. Ғолиблар ўз йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинадилар.

Синовлар якунига бағишланган маросимда халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов сўзга чиқиб, ғолиб бўлган ёшларнинг илм чўққиларини забт этишдаги саъй-ҳаракатларига ривож тилади.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТ» ОАЖ

ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТЛАР ҲАҚИДАГИ ХАБАР

Хабарнинг тартиб рақами — 09
Умумий мажлис тури — йиллик.
Мажлисни ўтказиш тартиби — очиқ.
Мажлисни ўтказиш санаси — 2005 йил 24 март.
Ўтказиш жойи — Тошкент, Мусахонов 2-тор кўча, 33-уй.
Мажлис кворуми — 70,7 фоиз.

Мажлис кун тартибига қўйилган масалалар ва овоз бериш натижасида қабул қилинган қарорлар:

1. Бошқарув раисининг жамиятнинг 2004 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш. **Қарор:** бошқарув раисининг жамиятнинг 2004 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин. **Овоз бериш натижалари:** «ёқлаганлар» — 4 250 353 овоз, 93,40 фоиз; «қаршилар» — 292 680, 6,40 фоиз; «бетарафлар» — 9000, 0,20 фоиз.

2. Жамиятнинг фойдаси ва зарарлари, бухгалтерлик баланси ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш. **Қарор:** бошқарув раисининг жамиятнинг 2004 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тасдиқлансин. **Овоз бериш натижалари:** «ёқлаганлар» — 3 875 353, 85,10 фоиз; «қаршилар» — 667 680, 14,70 фоиз; «бетарафлар» — 9000, 0,20 фоиз.

3. 2004 йил натижаларига кўра фойдани тақсимлаш ва дивидендлар ҳисоблашни тасдиқлаш. **Қарор:** 2004 йил IV-чораги учун фойдани тақсимлаш ва ҳар бир акция учун 15 сўмдан дивиденд белгилаш. **Овоз бериш натижалари:** «ёқлаганлар» — 4 388 873 овоз, 96,41 фоиз; «қаршилар» — 153 360, 3,37 фоиз; «бетарафлар» — 9800, 0,22 фоиз.

4. Жамият Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш. **Қарор:** жамият Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи тасдиқлансин. **Овоз бериш натижалари:** «ёқлаганлар» — 389 5673, 85,60 фоиз; «қаршилар» — 647 360, 14,20 фоиз; «бетарафлар» — 9000, 0,20 фоиз.

5. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш. **Қарор:** Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин. **Овоз бериш натижалари:** «ёқлаганлар» — 4 425 253 овоз, 97,20 фоиз; «қаршилар» — 117 780, 2,60 фоиз; «бетарафлар» — 9000, 0,20 фоиз.

6. 2005 молия йили учун бизнес режани тасдиқлаш. **Қарор:** 2005 молия йили учун бизнес режа тасдиқлансин. **Овоз бериш натижалари:** «ёқлаганлар» — 4 518 513 овоз, 99,26 фоиз; «қаршилар» — 2 800, 0,06 фоиз; «бетарафлар» — 30 720, 0,68 фоиз.

7. 2005 молия йили учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган энг катта маблағ миқдорини тасдиқлаш. **Қарор:** жамиятнинг 2005 йил учун аудитори этиб «Камол-аудит» аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизматларига 1 500 000 сўм ҳақ тўланиши белгилансин. **Овоз бериш натижалари:** «ёқлаганлар» — 4 537 393 овоз, 99,68 фоиз; «қаршилар» — 4 040, 0,09 фоиз; «бетарафлар» — 10 600, 0,23 фоиз.

8. Жамият Тафтиш комиссияси таркибини тасдиқлаш. **Қарор:** тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин.

1. Е.А.Патрина. 2. А.Г.Вахитова. 3. Л.И.Митянина

Овоз бериш натижалари: «ёқлаганлар» — 4 539 193 овоз, 99,72 фоиз; «қаршилар» — 2600, 0,06 фоиз; «бетарафлар» — 10 240, 0,22 фоиз.

9. Жамият Кузатув кенгаши таркибини тасдиқлаш. **Қарор:** Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Саид Мусаевич Алиев. 2. Абдуғаффор Раҳимжонов.
3. Мухтор Туропович Аъзамов. 4. Людмила Павловна Грифина.
5. Людмила Васильевна Горловецкая. 6. Зоҳид Фарҳодович Зокиров.
7. Баҳодир Бакирхонович Оқилхонов. 8. Юрий Николаевич Лазданов.
9. Собиржон Артиқович Йўлдошбоев.

Овоз бериш натижалари:

№ т/р	Ф.И.Ш	Ёқлаганлар		Қаршилар		Бетарафлар	
		овоз	фоиз	овоз	фоиз	овоз	фоиз
1.	Саид Мусаевич Алиев	3 954 253	86,87	594 780	13,07	3000	0,06
2.	Абдуғаффор Раҳимжонов	4 000 933	87,90	548 100	12,04	3000	0,06
3.	Мухтор Туропович Аъзамов	3 964 193	87,09	584 840	12,85	3000	0,06
4.	Людмила Павловна Грифина	3 964 193	87,09	584 840	12,85	3000	0,06
5.	Людмила Васильевна Горловецкая	4 014 793	88,20	534 240	11,74	3000	0,06
6.	Зоҳид Фарҳодович Зокиров	4 481 313	98,45	67 720	1,49	3000	0,06
7.	Баҳодир Бакирхонович Оқилхонов	4 481 313	98,45	67 720	1,49	3000	0,06
8.	Юрий Николаевич Лазданов	4 016 873	88,24	532 160	11,7	3000	0,06
9.	Собир Артиқович Йўлдошбоев	4 021 033	88,34	528 000	11,6	3000	0,06

10. Кузатув кенгашининг жамият ягона ижроия органи (директор) билан унинг фаолиятини янги муддатга давом эттириш ҳақидаги қарорини тасдиқлаш. **Қарор:** жамият Кузатув кенгашининг жамият ижроия органи (директор) билан унинг фаолиятини янги муддатга узайтириш ҳақидаги қарори тасдиқлансин. **Овоз бериш натижалари:** «ёқлаганлар» — 4 541 633 овоз, 99,77 фоиз; «қаршилар» — 7 400, 0,17 фоиз; «бетарафлар» — 3000, 0,06 фоиз.

Хабарнинг тартиб рақами — 05

Қимматбаҳо қоғозлар тури: оддий, имтиёзли

Қимматбаҳо қоғозлар хили: акциялар

Дивидендларни тақсимлаш ҳақидаги қарор қабул қилинган сана — 2005 йил 24 март.

Қарор қабул қилган эмитент органи — акциядорларнинг умумий мажлиси

Дивиденд миқдори — 2004 йил IV-чораги учун 1 акцияга 15 сўмни ташкил этди.

Акцияларнинг умумий сони — 6 534 703 дона, унинг 6 473 223 донаси оддий, 61 480 донаси имтиёзлидир.

Ажратилган дивидендларни тўлаш тартиби — пул маблағлари.

Хабарнинг тартиб рақами — 08

Эмитентнинг қимматбаҳо қоғозлар эгалари олдидаги мажбуриятлари — 2004 йил IV-чораги учун оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш.

Эмитентнинг қимматбаҳо қоғозлар эгалари олдидаги мажбуриятини бажариш муддати — 2005 йил 24 мартдан 2005 йил 24 майгача.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 67-99-88, 67-99-60.

«FEDELITI-RAM»

очиқ акциядорлик жамияти (ОКПО:16045890 СТИР: 201674564) ўзининг барча кредиторларини жамият акциядорларининг 2005 йил 10 мартдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан Устав фонди миқдорини 350 000 000 сўмдан 4 100 000 сўмга қадар камайтирганлиги ва ёпиқ акциядорлик жамиятига қайта айлантирилганлиги тўғрисида хабардор этади.

Кредиторлар ўз талаблари билан ушбу эълон чоп этилган кундан эътиборан икки ой муддатда Тошкент шаҳри, Генерал Узоқов кўчаси, 2-уйда жойлашган жамият офисига мурожаат этишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: 155-01-17.

Спорт

ГЕДЕНИНГ ХАВОТИРИ АСОСЛИ ЧИҚДИ

2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида иштирок этаётган Осиё минтақаси терма жамоалари навбатдаги учрашувларни ўтказди. Мусобақанинг «А» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси иккинчи турда Қувайт футболчилари меҳмони бўлди.

Дастлабки турда Саудия Арабистони вакиллари билан дуранг (1:1) ўйнаган футболчиларимизнинг бу гал ҳам ҳужумкор ўйин намойиш этиши кутилганди. Қувайт сафари олдидан уюштирилган матбуот анжуманида терма жамоамиз бош мураббийи Юрген Геде ушбу учрашувга бир қатор йўқотишлар билан жўнаб кетаётганлигини билдирган эди.

— Етакчи футболчилар Владимир Шишелов, Владислав Кирьян, Илёс Зейтуллаевлар жароҳати, Андрей Фёдоров ҳисобида иккита сариқ карточка борлиги туфайли учрашувда қатнаша олмайди, — деганди ўшанда бош мураббий. — Шунингдек, жамоамизнинг ҳимоя чизиғида ҳам бир қатор муаммолар бор. Жумладан, ҳимоячилар Бахтиёр Ашурматов, Асрор Алиқуловлар жароҳатдан тўлиқ қутула олмаганликлари бизни хавотирга солмоқда.

Ал-Қувайтда ўтадиган ўйиндан мураббий бежиз хавотирланмаганлиги маълум бўлди. Футболчиларимиз илк учрашувга нисбатан яхшироқ ўйин намойиш этишса-да, аламли мағлубиятга учрашди. Мезбонлар бош мураббийи Слобадан Павковичнинг қўллаган ҳимоя ва қарши ҳужум усули ўз самарасини берди. Ҳимоячиларимиз йўл қўйган қўпол хатолар, ҳужумчиларимизнинг тажрибасизлиги эвазига қимматли уч очко бой берилди — 1:2. Бу эса Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионати финал босқичига чиқиш имкониятини пасайтириб юборди.

Саудия Арабистони — Жанубий Корея терма жамоалари учрашуви ҳам мезбонлар ғалабаси билан тугади — 2:0. Якунланган иккинчи тур натижалари терма жамоамизнинг гуруҳдаги барча рақиблари Германия йўлида ҳар нарсага қодир эканлигини кўрсатди. Эртага Сеулда Жанубий Корея терма жамоаси билан ўтказиладиган навбатдаги ўйин футболчиларимиз учун осон бўлмайди.

Иккинчи турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Саудия Арабистони	2	1	1	0	3-1	4
2. Жанубий Корея	2	1	0	1	2-2	3
3. Қувайт	2	1	0	1	2-3	3
4. Ўзбекистон	2	0	1	1	2-3	1

Осиё минтақаси «В» гуруҳида ўтказилган навбатдаги турда қуйидаги натижалар қайд этилди: КХДР — Баҳрайн — 1:2, Эрон — Япония — 2:1.

Гуруҳдаги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Эрон	2	1	1	0	2-1	4
2. Баҳрайн	2	1	1	0	2-1	4
3. Япония	2	1	0	1	3-3	3
4. КХДР	2	0	0	2	2-4	0

Ҳар иккала гуруҳда ҳам навбатдаги 3-тур учрашувлари эртага уюштирилади. Унда қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс юритадилар: Жанубий Корея — Ўзбекистон, Қувайт — Саудия Арабистони, Япония — Баҳрайн, КХДР — Эрон.

НАВРЎЗ ТАДБИРЛАРИ

Наврўз тантаналари туманимизда давом этмоқда. Ҳудуднинг Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғи, Қорасарой, Форобий, Сағбон сингари марказий кўчаларида кўчат ўтқазиш, дов-дарахтларга шакл бериш, оқлаш, теварак-атрофни саранжом-саришталаш, таъмирлаш, зарур жойларни қайта тиклаш — бир сўз билан айтганда, қуриш, яратиш, бунёд этиш ишлари ҳали авжида, — дейди Тошкентдаги Собир Раҳимов туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Рустам Шожонов.

Маҳаллалар, кўчалар, маъмурий бинолар, муассасалар иншоотлари ва ариқ-зовурлар ёқаларига минглаб мевали-манзарали дарахт кўчатлари, гул ниҳоллари ўтқазишда мавжуд 56 та маҳалланинг ёшу-кекса фуқаролари фаол иштирок этмоқда. Бугунгача уларнинг саъй-ҳаракатлари билан туманда умумий ҳажми 13 гектарга яқин ҳудудда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бу миқдор яна кўпаяди.

Муқаддам МИРХЎЖАЕВА

Самарқанд. Тойлоқ туманида ҳамал кириши билан баҳорги экин-тикин ишлари авжига чиқди. Улуғбек, Амир Темур, Раҳматилла Сайидназаров номли, «Боғизағон», «Қўшчинор» ширкат хўжаликларида токзорларга ишлов бериш, ғалла майсаларини маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш, янги кўчатлар ўтқазиш, боғ-роғлар барпо қилиш ишлари давом этмоқда.

Бу йил туман деҳқонлари мавжуд тармоқлардан қарийб тўрт миллиард сўмлик даромад қилишни мўлжаллашган.

✧✧✧

Суратда: Тойлоқ агротадбиркорлик коллежи талабалари ўқув маскани ҳудудига кўчат ўтқазмоқдалар.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.



ЧАГАЕВ 61-ПОҒОНАДА

Ўта оғир вазн тоифасидаги таниқли боксчимиз Руслан Чагаев профессионал бокс бўйича навбатдаги рейтинг жангини ўтказди. У ўтган шанба оқшомида Германиянинг Риза шаҳрида уюштирилган мазкур учрашувда америкалик Шерман Александр Уильямсга қарши рингга чиқди.

Ҳамюртимизнинг бу галги рақиби профессионал рингда «Танк» лақаби билан шуҳрат қозонган. «Танк» мазкур учрашувгача 36 маротаба рингга кўтарилиб, шунинг 25 тасини ўз фойдасига ҳал қилган тажрибали боксчи. У ўз вазн тоифасида қитъалараро чемпионлик олтин камарини икки бор қўлга киритган. Аммо уни ўзида сақлаб қолишнинг уддасидан чиқа олмаганди.

Шерман Уильямс билан ўтадиган жанг йилдан-йил маҳорати ошиб бораётган Руслан учун жиддий синов бўлиши кутилганди. Мазкур учрашув олдидан сўнгги пайтларда «Оқ Тайсон», дея эътироф этилаётган ҳамюртимиз имкониятлари анча юқори баҳоланган бўлса-да, саккиз раундли жангнинг охирги сонияларигача кимнинг ғолиб чиқишини айтиш қийин эди. Ҳакамларнинг якуний хулосасига кўра, Руслан Чагаев ғолиб, деб топилди — 80-72, 79-73, 78-74.

Бу ҳамюртимизнинг профессионал рингдаги ўн олтинчи ғалабасидир. «Оқ Тайсон»нинг Шерман Уильямс устидан қозонган ғалабаси унинг дунё таснифида 98-поғонадан 61-поғонага кўтарилиб олишини таъминлади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ПОЙТАХТДА ТУТАШГАН ЙЎЛЛАР

— Кўп юриш ва югуриш киши танасига янги куч бағишлайди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози Клара Шокиржонова. — Юртбошимиз ташаббуси билан уюштирилаётган мазкур марафонни шахсан мен саломатлик йўлидаги катта «ҳашар»га қиёслайман. Агар инсон доимо тетик ва бардам бўлай деса, жисмоний чиниқишга, жумладан, югуришга катта аҳамият бермоғи лозим. Дастлабки марафон ўтказилишида жойларда айрим нуқсонлар кўзга ташланган бўлса, бу галги тадбир аввалгига нисбатан анча уюшқоқлик билан ташкил этилди. Ишонаманки, умуммамлакат оммавий марафони фақат енгил атлетика тури оммавийлигини оширишга қолмасдан, ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга салмоқли улуш қўшади.

Салкам бир минг уч юз километр масофани босиб ўтган марафон қатнашчилари ўртасида якшанба куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий университетидан Ўзбекистон Миллий боғигача бўлган 13,5 километрлик масофага уюштирилган югуриш баҳслари ҳақиқий байрам тусини олди. Унда спортчилар билан бирга пойтахтимиздаги кўплаб олий ўқув юртларининг талабалари ҳам фаол иштирок этдилар.

Оммавий марафон якунида умумжамоа ҳисобида андижонликлар биринчи, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари терма жамоалари кейинги фахрли ўринларни эгаллашди. Шахсий биринчиликда Аъзам Алиев (Тошкент шаҳри) ҳамда Мария Хмелевская (Фарғона)лар бош соврин соҳиби бўлдилар. «Марафон гўзали» соврини пойтахт вилояти вакиласи Валентина Макаровага насиб этди.

Эркин ХОЛБОБО

ФАНТАСТ АДИБ ХОТИРАСИ

Истеъдодли ёзувчи, ўзбек адабиётида фантастика жанри асосчиларидан бири Ҳожиакбар Шайхов ҳаёт бўлганида шу кунларда 60 ёшга тўлар эди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адиб хотирасига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Қаҳрамони, Абдулла Орипов кириш сўзи билан очиб, адиб ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди. Жумладан унинг маҳорат билан ёзилган асарлари адабиётимиз фантастика йўналиши шуҳратини оширгани ва дунё фантаст ёзувчилари томонидан эътироф этилганини алоҳида қайд этди. Америкада нашр этилган жаҳон фантаст ёзувчилари қомусига Ҳожиакбар Шайхов ижоди киритилгани бунинг ёрқин далилидир.

Кечада таниқли адиблар, ёзувчининг дўстлари, яқинлари сўзга чиқиб, ўз хотиралари ва дил сўзларини изҳор этдилар.

Юнус ЗИЁДОВ

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани Майдон аҳоли пунктида жойлашган ҳарбий шаҳарчани селдан ҳимоя қилиш учун тадбирларни қуриш». Қурилиш ишларини бажариш муддати — 12 ой.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги капитал қурилиш бошқармаси.

Манзили: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй. Тел. (99871) 169-01-03.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун лицензия ва танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан ўтказилади.

Манзил: Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.

«ЗАРБДОР ЭЛЕВАТОРИ» ОАЖ акциядорлари диққатига!

2005 йил 31 март кунига белгиланган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги қўшимча масала киритилишини маълум қилади:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПК-29 сонли «2005-2006 йилларда корхоналарни Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, жамиятнинг Устав фондидаги давлат улушини 51 фоизга етказиш тўғрисида.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«TOSHKENTDONMAHSULOT» ОАЖ

шуни хабар қиладики,

жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2005 йил 11 апрель куни соат 14.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Мусахонов 2-тор кўчаси, 33-уй. Акциядорларни рўйхатга олиш корхона клубида соат 13.00 дан 13.50 гача ўтказилади.

Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни ўзлари билан олиб келишлари шарт. Уларнинг вакиллари эса нотариус тасдиқлаган ишончномага эга бўлишлари зарур.

Акциядорларнинг реестри 2005 йил 24 февраль ҳолатига кўра ёпилади.

Кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги № ПП-29 сонли қароридан келиб чиқадиган вазифалар.

2. Жамият Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 67-99-88, 67-99-60.

«TOSHKENTDONMAHSULOT» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ОЛОЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ акциядорлари диққатига!

Хабар тартиб рақами 0.9

Умумий мажлис тури: акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси.

Ўтказилган вақт: 2005 йил 17 март.

Ўтказилган манзил: Юнусобод тумани ҳокимлиги мажлислар зали.

Қатнашганлар: 43872 овозга эга 29 та акциядор.

Кворум: 86,2%.

Умумий мажлис кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари:

1. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича жамият иш фаолияти юзасидан бошқарув раисининг ҳисоботи 43872 та овоз билан тасдиқланди.

2. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосаси 43872 та овоз билан тасдиқланди.

3. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 43872 та овоз билан тасдиқланди.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йил фаолияти ҳақидаги ҳисоботи 43872 та овоз билан тасдиқланди.

5. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси 43872 та овоз билан тасдиқланди.

6. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори, ҳамда уни бериш тартиби 43872 та овоз билан тасдиқланди.

7. Жамият бошқарув раисини сайлаш масаласи 25958 та қарши овоз билан тасдиқланмади.

8. 2005 йилги иш режаси (бизнес план) 25958 та қарши овоз билан тасдиқланмади.

9. 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси 43872 та овоз билан тасдиқланди.

10. 2005 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб «ВАЗ-АУДИТ» аудиторлик фирмаси 43872 та овоз билан тасдиқланди.

11. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш масаласи 43872 та овоз билан тасдиқланди.

Хабар тартиб рақами 0.5.

Жамият акцияларининг эгаси ёзилган.

Акцияларнинг турлари (тоифалари) — оддий.

Ҳар бир акцияга ҳисобланган 395 сўм 28 тийин миқдоридаги дивиденд 60 кун муддат ичида тўланади.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ҚЎЙЛИҚ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Қўйлиқ деҳқон бозори» ОАЖнинг 2005 йил 25 март куни соат 11.00 га белгиланган акциядорларнинг умумий мажлиси қолдирилганлиги муносабати билан умумий мажлис 2005 йил 7 апрель соат 11.00 га такроран чақирилади.

Умумий мажлис жамиятнинг 11-блок, 2-қаватида, мажлислар залида ўтказилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади.

Акциядорлар рўйхати ва кун тартиби ўзгаришсиз қолади.

Мурожаат учун телефонлар: 95-93-66; 195-94-36; 195-27-93.

«Бағдоддонмаҳсулотлари» ОАЖ маълум қилади

2005 йил 30 март куни соат 10.00 да Фарғона вилояти Бағдод тумани Отхона қишлоғи «Ором» дам олиш масканида жамият акциядорларининг йиғилиши ўтказилади.

Йиғилишда қуйидаги масала кўрилади.

13-масала: жамият ишлаб чиқариш тегирмонини таъмирлаш ва янги дастгоҳлар билан қайта жиҳозлаш режасини тасдиқлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

СВОДНЫЙ БАЛАНС ОАО «ТАШОР»

ЗА 2004 ГОД.

№	АКТИВ	Сумма тыс.сум	ПАССИВ	Сумма тыс.сум
1.	Остаточная стоимость основных фондов	275032	1. Уставной капитал	189682
2.	Инвестиции в ДХО	142293	2. Добавленный капитал	11231
3.	Прочие долгоср. инвестиции	57473	3. Резервный капитал	360357
4.	Оборудование к установке	443	4. Нераспределенная прибыль	53643
5.	Производственные запасы	155817	5. Резервы предстоящих расх.	1024
6.	Готовая продукция	67269	6. Долгосрочные займы	8060
7.	Расходы будущих периодов	31289	7. Авансы полученные	10255
8.	Денежные средства	38091		
9.	Дебеторы	98741	9. Кредиторы	232196
	Всего по активу	866448	Всего по пассиву	866448

ФИНАНСОВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ЗА 2004 ГОД

1. Общий финансовый результат до уплаты налога на прибыль — 62767 тыс.сум.
2. Налог на прибыль — 62667 тыс.сум.
3. Чистая прибыль — 100 тыс.сум.

Сурхондарё вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси раиси **Зухра Аъзамовна САИДАМИНОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 254

11400 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O'zA yakuni — 21.45. Topshirish vaqti — 01.20

2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda